

Аёлим интернет орқали бошқалар билан гаплашади

21:11 / 22.04.2016 4908

Савол: Ассалому алайкум, ҳурматли Шайх Ҳазратлари! Сизга нима деб савол беришимни ҳам билмаяпман. Оилалиман, икки нафар фарзандим бор. Мен меҳнат сафари билан бошқа шаҳарда ишлаб юрган пайтимда, аёлим интернет орқали болалар билан ёзишиб юрганини билиб қолдим, “ким” деб сўраганимда, “синфдошим” деб йиғлаб, Худонинг зорини қилди, фарзандими ўйлаб кечирдим, индамадим. Орадан уч йил ўтиб, шу ишини яна такрорлади. Қайнотамни чақириб “қизингизни олиб кетинг” десам, қайнотам йиғлаб кечирим сўради, яна индамадим. Россияга ишлагани кетсам, орадан бир ҳафта ўтмай бошқа телефон олиб яна болалар билан гаплашиб юрган экан, дадам ушлаб олибдилар, ота онасини чақириб кўрпа тўшагини берворишибди. Отам менга “келиб ўзинг ҳал қиласан, ўзингни ҳаётинг” деяптилар. Аёлимга телефон қилиб сўрасам, “бирга ўқиган синфдошим, шунчаки ҳазиллашиб смс ёзганмиз” деб йиғлаб кечирим сўраяпти. Менга маслаҳат беринг, нима қилай? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат. Аллоҳ ҳаммамиздан рози бўлсин.

Жавоб: Келиб ҳамма нарсани очиқ-ойдин ўрганиб, кейин қарор чиқарасиз. Бу сизнинг ишингиз. Шу муносабат билан барча диндошлар, миллатдошларга мурожаат қилишга тўғри келади. Телефон, интернет ва бошқа алоқа воситалари касофатидан кўплаб оилалар бузилиб кетмоқда, болалар тирик етим бўлмоқда. Аёллар, эркаклар, ёшлар ва қарилар ҳамма ҳамма бу иш гуноҳ эканини англаб етишлари ва бунга қарши курашишлари ҳам фарз, ҳам қарзидир. Одамлар, Аллоҳ таолодан кўрқингар! Номаҳрамлар билан, ким бўлишидан қатъий назар, ҳеч қандай алоқа қилманглар! Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ҳидоятидан ва инсофу тавфиқдан айирмасин!